

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

35-сон
(1107)
2023 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

390. «Гидротехника иншоатларининг хавфсизлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 авгуустдаги ЎРҚ-865-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

391. «Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 авгуустдаги ПФ-151-сон Фармони

392. «Чорвачилиқда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини та-комиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон қарори

Бешинчи бўлим

393. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 31-iyuldagи 65-2023/B-son “Mehnat daftarchalarini yuritish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘I (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 28-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 402-9*)
394. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 2 августдаги 32-сон «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пунктларида тиббий назорат (санитария назорати) тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 927-1*)
395. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 21 августдаги 34-сон «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3455*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

390 Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
4 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 4 августда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғриси- даги қонунчилик

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гидротехника иншоотлари — сув омборлари тўғонлари, дарёлар, сойїлар, каналлар ва коллекторлардаги тўғонлар, дарёларнинг ўзанларини тўсувчи иншоотлар, сув олиш, сув ўтказиш, сув ташлаш ҳамда қирғоқларни химоя қилиш иншоотлари, гидроэлектростанциялар, насос станциялари;

гидротехника иншоотларини консервациялаш — гидротехника иншоотларини қуришни ёки улардан фойдаланишни вақтинча тўхтатган ҳолда уларни сақлаб туришга доир чора-тадбирлар мажмуй;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги — гидротехника иншоотларининг фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатлари, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулки, атроф-муҳит ва хўжалик объектлари химоя қилинишини таъминлаш имконини берувчи ҳолати;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияси — гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини асословчи ҳужжат;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да 2023 йил 30 августда эълон қилинган.

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги мезонлари — гидротехника иншоотлари ҳолатининг ва улардан фойдаланиш шартларининг гидротехника иншоотлари аварияси хавфининг йўл кўйиладиган дарражасига мувофиқ бўлган микдор ва сифат кўрсаткичларининг чекланган қиймати;

фойдаланувчи ташкилот — балансида гидротехника иншооти мавжуд бўлган ёки ундан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлган ташкилот.

4-модда. Гидротехника иншоотлари хавфсизлигининг асосий принциплари

Гидротехника иншоотлари хавфсизлигининг асосий принциплари қўйидағилардан иборат:

қонунийлик;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилишнинг, шунингдек атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг устуворлиги.

5-модда. Гидротехника иншоотларининг таснифи

Гидротехника иншоотларининг лойиҳа кўрсаткичлари параметрларига, уларга юкламалар ҳамда таъсир кўрсатиш омилларига, шунингдек қурилишда ишлатиладиган материалларга, фойдаланиш шароитларига қараб гидротехника иншоотлари I, II, III ва IV синфларга бўлинади. Гидротехника иншоотларининг таснифидан келиб чиқсан ҳолда гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлашнинг асосий талаблари белгиланади.

2-боб. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги давлат бошқаруви

6-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

гидротехника иншоотларида табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар (бундан бўён матнда фавқулодда вазиятлар деб юритилади) юзага келишининг олдини олиш, шунингдек уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича чора-тадбирлар мажмuinи ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, амалий ва инновацион лойиҳалар натижаларини ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграция қилиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишини назорат қилиш инспекцияси томонидан назорат қилинадиган гидротехника иншоотларининг рўйхатини тасдиқлади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги устидан давлат назоратини ташкил этади;

ўз ваколатлари доирасида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Махсус ваколатли давлат органининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишини назорат қилиш инспекцияси гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан бўён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

гидротехника иншоотлари хавфсизлигининг давлат назоратини ва текширувани амалга оширади;

гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишга доир лойиҳаолди, лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек улардан фойдаланиш қоидаларини келишади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги мезонларини тасдиқлади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияларини кўриб чиқади ва тасдиқлади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

дарёларнинг, сойларнинг ўзанларида, гидротехника иншоотларига тулаш бўлган юқори ва қўйи ҳудудларда сув хўжалиги объектларидан фойдаланишини амалга оширувчи ёхуд хўжалик фаолияти ёки бошқа фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларнинг хўжалик фаолиятини ёхуд бошқа

фаолиятини, агар бу фаолият гидротехника иншоотларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатса, тақиқлайди, тўхтатиб туради ёки чеклайди. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тақиқлаш, тўхтатиб туриш ёки чеклаш суд тартибида амалга оширилади, бундан уларнинг фаолиятини фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар, пандемиялар, шунингдек аҳолининг ҳаёти ва соғлиги, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулки учун ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш зарурияти муносабати билан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ёки чеклаш ҳоллари мустасно;

ўз ваколатлари доирасида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ташкил этади;

гидротехника иншоотларининг қўриқланиши, шунингдек уларнинг хавфсизлик декларациясига мувофиқлиги устидан давлат назоратини амалга оширади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини ва ишончли ишлашини таъминлаш тўғрисида кўрсатмалар беради;

фавқулодда вазиятлар хавфи даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш ишларини амалга оширишда хавфсизлик қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолларда, лойиҳалаштириш ва қуришга доир лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида таклифлар киритади;

гидротехника иншоотларига монеликсиз киради, гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли барча ҳужжатлар ва материаллар билан танишади;

гидротехника иншоотлари хавфсизлиги таъминланишининг давлат назоратини ва текшируванини амалга ошириш чоғида гидротехника иншоотидан фойдаланувчини, лойиҳа ҳамда пудрат ташкилотларини, шунингдек манфаатдор вазирликларни ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини жалб этиши мумкин;

фавқулодда вазиятларнинг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар мажмuinи ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатишда иштирок этади, шунингдек тегишли хуносалар беради;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва диагностика ишларини амалга оширади;

ўз назорати остидаги гидротехника иншоотларининг текширувани бир йил ичida камида икки марта амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган гидротехника иншоотларининг давлат назоратини амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлайди;

гидротехника иншоотларини модернизация қилиш, қуриш, реконструкция қилишга доир ишларнинг сифатли бўлишини таъминлайди, шунингдек лойиҳаларнинг давлат экспертизасини ҳамда уларга илмий-техника хужжатлари илова қилинишини таъминлайди;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасида фан-техника ютуқларининг амалиётга тизимли равишда жорий этилишини ташкил қиласди, таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни кучайтиради;

халкаро ҳамкорликни амалга оширади, чет эл инвестициялари ва техник ёрдам маблағларини жалб этади, лойиҳалаштириш ва давлат экспертизасини ўтказиш учун малакали чет эл экспертларини ҳамда консалтинг ташкилотларини жалб этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги замонавий технологияларнинг, қурилиш материалларининг ҳамда илфор хорижий тажрибанинг қўлланилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

гидротехника иншоотларида юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар оқибатлари тўғрисида хабардор қилиш бўйича биргаликдаги ўқув машғулотларида иштирок этади;

гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, аҳолини ва худудларни ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишида фойдаланувчи ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатади;

хавф даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотларини қуришга доир лойиҳа ҳужжатларининг фавқулодда вазиятлар талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан давлат экспертизасини амалга оширади;

трансчегаравий аҳамиятга эга гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш бўйича авария-қутқарув ишларида

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ иштирок этади;

асосланган прогнозлар бўйича гидротехника иншоотларидағи эҳтимол тутилган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳаёти ва соғлигини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкини химоя қилиш, моддий ва маданий қимматликларни муҳофаза қилиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ҳамда уларнинг заарли таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишда шаҳарсозлик ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, миллӣй стандартларга, қурилиш ишлари технологияларига, қурилиш материалларининг ва буюмларининг сифатига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

гидротехника иншоотларини синфларга бўлиш нормалари ва қоидаларини тасдиқлайди;

гидротехника иншоотларини қуришда буюртмачи ташкилотнинг техник назоратни амалга ошириш бўйича ишлари, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини амалга оширишга доир ишлари, шунингдек пуррат ташкилоти томонидан ички назоратни амалга ошириш бўйича ишлар текширилишини ташкил этади;

қурилиши тугалланган гидротехника иншоотларини фойдаланишга қабул қилишда иштирок этади;

гидротехника иншоотларини сейсмик жиҳатдан заифлик даражаси бўйича таснифлашда, шунингдек уларнинг инструментал-техник текшируvida ҳамда зилзилабардошлигини оширишга доир тадбирларда иштирок этади;

гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклиш ишлари лойиҳаларининг давлат экспертизасини таъминлайди;

гидротехника иншоотларининг лойиҳалаштирилиши ва қурилиши жараёнида ишларнинг сифати устидан текширув ҳамда техник назорат амалга оширилишини таъминлайди, қурилиш жараёнида камчиликлар ва нуқсонлар аниqlangan ҳолларда эса уларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

қўриқланадиган обьектларда гидротехника иншоотларининг қўриқлананиши шартнома асосида таъминлайди;

қўриқланадиган обьектлардаги гидротехника иншоотларида обьектнинг ички режимига ва назорат режимига риоя этилишини таъминлайди, жамоат тартибини сақлашда, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда ҳамда уларнинг оқибатларини тутгатишда иштирок этади;

гидротехника иншоотларининг қўриқланадиган обьектларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига ва уларнинг олдини олишга қонунчиликда белгиланган тартибда кўмаклашади;

гидротехника иншоотларининг қўриқланадиган обьектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мulkини тажовузлардан ҳимоя қиласди;

гидротехника иншоотларини қўриқлашга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясининг гидротехника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси:

Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг давлат реестрида гидротехника иншоотларининг хавфли ишлаб чиқариш обьектларини рўйхатдан ўтказади;

гидротехника иншоотларидаги хавфли ишлаб чиқариш обьектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш чоғида саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

гидротехника иншоотларидаги хавфли ишлаб чиқариш обьектлари ходимларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талабларга, шунингдек норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

гидротехника иншоотларида саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

гидротехника иншоотларида саноат хавфсизлиги талабларини белгилайди;
гидротехника иншоотларининг хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлла-
ниладиган техник курилмалар сертификатлаширилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузури-
даги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси
қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг гидро-
техника иншоотлари хавфсизлиги соҳасидаги вако-
латлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурла-
рини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги соҳасидаги ҳудудий дастур-
ларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

сув ресурсларидан фойдаланишда ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
тадбирларини амалга оширишда гидротехника иншоотларининг хавфсизли-
гини таъминлайди;

гидротехника иншоотларини жойлаштириш ҳақида, шунингдек гидро-
техника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик бузилган
холларда улардан фойдаланишни чеклаш ҳақида қонунчиликда белгиланган
тартибда қарорлар қабул қиласди;

гидротехника иншоотларининг авариялари оқибатларини тугатишда
иштирок этади;

гидротехника иншоотларининг фавқулодда вазиятларни юзага келтири-
ши мумкин бўлган авариялари хавфи тўғрисида аҳолини хабардор қиласди;

ўз ваколатлари доирасида гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини
таъминлаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширишда иштирок этади;

гидротехника иншоотларини сақлаб туриш учун Ўзбекистон Республика-
сининг Бюджет кодексида белгиланган тартибда маблағлар ажратади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа
ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**3-боб. Гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш
юзасидан фойдаланувчи ташкилотларнинг ҳуқуқ ва
мажбуриятлари, буюртмачи ташкилотларнинг, лойиҳа
ва пудрат ташкилотларининг мажбуриятлари**

**15-модда. Фойдаланувчи ташкилотларнинг гидротехника ин-
шоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқ
ва мажбуриятлари**

Фойдаланувчи ташкилотлар кўйидаги ҳуқуқларга эга:

гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва реконструкция қилишда
иштирок этиш ҳамда амалга оширилаётган ишларнинг тасдиқланган лойиҳа-
га мувофиқ бажарилишини талаб қилиш;

гидротехника иншоотларида хавф юзага келганды гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ мустақил равишда чоралар кўриш;

гидротехника иншоотларининг ҳудудига кириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларнинг (шахсларнинг) гидротехника иншоотларига киришига йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлардан гидротехника иншоотларини қўриқлаш талабларига риоя этилишини талаб қилиш;

жисмоний ва юридик шахслардан гидротехника иншоотлари ҳудудида хавфсизликни таъминлаш қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш.

Фойдаланувчи ташкилотлар:

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш, тиклаш, реконструкция қилиш, якунланган ишларни қабул қилиш, консервациялаш, гидротехника иншоотларини фойдаланишдан чиқариш ҳамда тугатиш чоғида гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

гидротехника иншоотларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи миңтақалари, шунингдек санитария муҳофазаси зоналари ва санитария ҳимоя ҳудудлари лойиҳа кўрсаткичларига мувофиқ аниқланишини ҳамда белгиланишини таъминлаши;

гидротехника иншоотларининг ҳолати, шунингдек уларга нисбатан табиий-техноген таъсиirlар устидан назорат ва мониторингни амалга ошириши;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини баҳолашни уларга нисбатан барча заарли таъсиirlарни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги мезонлари ишлаб чиқилишини ва уларга ўз вақтида аниқликлар киритилишини таъминлаши;

гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини мониторинг қилиш ва гидротехника иншоотларининг маълумотлар базасини шакллантириш чоғида замонавий ахборот технологияларидан ҳамда тезкор алоқа воситаларидан фойдаланишини таъминлаши;

гидротехника иншоотлари хавфсизлигининг пасайиши сабабларининг доимий таҳлилини ўтказиши, уларнинг техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлишини таъминлаши, гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши, шунингдек гидротехника иншоотларидан аварияларнинг олдини олишга доир тадбирлар ишлаб чиқилишини ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаши;

гидротехника иншоотларининг мунтазам текширувлари ўтказилишини таъминлаши;

гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиши;

гидротехника иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш чоғида ходимларнинг малакаси белгиланган талаблар ва қоидаларга мувофиқ бўлишини таъминлаши;

аҳолини гидротехника иншоотларида фавқулодда вазият хавфи юзага келиши мумкинлиги ёки фавқулодда вазият юзага келганилиги тўғрисида хабар-

дор қилишнинг автоматлаштирилган тизими доимий шай ҳолатда бўлишини таъминлаши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда аҳолини гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги масалалари бўйича хабардор қилиши;

махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорлик қилиши;

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш хавфсизлигини ошириш учун уларни замонавий ускуналар, назорат-ўлчов ва кузатув асбоблари билан жиҳозлаши, шунингдек рақамли технологияларни жорий этиши;

гидротехника иншоотларидан фавқулодда вазият юзага келиши хавфи ёки фавқулодда вазият юзага келганлиги тўғрисида республика ижро этувчи ҳокимият органларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни, шунингдек аҳолини дарҳол хабардор қилиши;

гидротехника иншоотларининг назорат-ўлчов ва кузатув асбоблари ишлаш ҳолатида сақланишини, уларнинг такомиллаштирилишини, шунингдек улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаши;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиси таъминлаши;

махсус ваколатли давлат органига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши;

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш учун ажратиладиган маблағларни биринчи навбатда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш ишларини молиялаштириш учун йўналтириши;

гидротехника иншоотларини реконструкция қилиш, улардан фойдаланиш чоғида ишларни тасдиқланган гидротехника иншоотларидан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига қатъий мувофиқ ҳолда ташкил этиши;

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига ҳамда сейсмик хавфсизлик таъминланишини техник жиҳатдан тартибга солиш қоидаларига риоя этиши;

гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлашга оид қисмида маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаларини бажариши шарт.

Фойдаланувчи ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

16-модда. Буюртмачи ташкилотларнинг гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида буюртмачи ташкилотлар гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, консервациялаш ва тутатиш чоғида:

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаши, шунингдек уларнинг давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминлаши, шахарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

лойиха хужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиши, шунингдек гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш даврида давлат экологик экспертизасининг хulosасида кўрсатилган талабларни бажариши;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияларида обьектларнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаши;

техник назорат ва мониторингни амалга ошириши;

лойиха талабларига мувофиқ ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиши ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиши;

лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаши;

лойиҳада назарда тутилган ишлар тугалланганидан кейин гидротехника иншоотларининг ўз вақтида фойдаланишга қабул қилинишини белгиланган тартибда таъминлаши;

гидротехника иншоотларини фойдаланишга қабул қилиш чоғида уларнинг зилзилабардошлигига доир инструментал-техник текширувдан ўтказилишини ташкил этиши;

қурилиши тугалланган гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг кафолатли даври мобайнида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишини таъминлаши;

лойиха хужжатларини ишлаб чиқишига мазкур соҳадаги ихтисослашган нуфузли лойиха ташкилотларининг жалб этилишини таъминлаши;

I, II ва III синфга мансуб гидротехника иншоотларининг лойиҳаолди ва лойиха хужжатларини маҳсус ваколатли давлат органи билан келишиши;

лойиҳаларни амалга ошириш чоғида муаллифлик ва геотехник назоратни ташкил этиши ҳамда таъминлаши;

I ва II синфга мансуб гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш ҳамда экспертизадан ўтказиш чоғида илмий муассасаларнинг ва таълим ташкилотларининг, шунингдек ҳалқаро ташкилотларнинг, чет эл компанийларининг юқори малакали мутахассисларини эксперталар сифатида жалб этиши;

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат ҳавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси назорати остидаги гидротехника иншоотларига ўрнатилган техник қурилмаларни қўллаш учун рухсатнома олиши;

тендер ёки танлов хужжатларида иштирокчиларга гидротехника иншоотларининг ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги амалий тажриба, қурилиш ускуналари, лабораториялар, машиналар ва механизмлар, шунингдек малакали мутахассислар мавжуд бўлиши тўғрисидаги талабларни белгилаши шарт.

Гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, консервациялаш ва тугатиш чоғида буюртмачи ташкилотларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Лойиҳа ташкилотларининг гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида лойиҳа ташкилотлари гидротехника иншоотларини қуришни, реконструкция қилишни, таъмирлашни, консервациялаш ва тугатишни лойиҳалаштириш чоғида:

loyiҳalарни Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ахолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига ва бошқа тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқиши;

loyiҳa ҳужжатларida юқори самарали машиналар ва механизmlar, замонавий қурилиш материаллари, технологиялари ҳамда ускуналари қўлланилишини назарда тутиши;

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини буюртмачи ташкилотнинг талабномасига кўра ишлаб чиқиши;

loyiҳa-смета ҳужжатларининг экспертизасида, шу жумладан давлат экологик экспертизасида иштирок этиши;

loyiҳalashтиriш чоғida муҳандислик-геологик қидирув ишларининг сифатли бажарилишини таъминлаши;

loyiҳanи бажаришда шартномага асосан муаллифлик назоратини амалга ошириши;

loyiҳalashтиriш чоғida гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги мезонларини инобатга олиши шарт.

Гидротехника иншоотларини қуришни, реконструкция қилишни, таъмирлашни, консервациялаш ва тугатишни лойиҳалаштириш чоғида лойиҳa ташкилотларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқa мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Пудрат ташкилотларининг гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пудрат ташкилотлари гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, консервациялаш ва тугатиш лойиҳаларини амалга ошириш чоғида:

loyiҳada назарда тутилган ишларнинг лойиҳa талабларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши;

loyiҳanи амалга ошириш даврида назорат ҳужжатлари юритилишини, лойиҳa ташкилотларининг ва буюртмачи ташкилотнинг, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияларининг, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари бажарилишини таъминлаши;

loyiҳalарни амалга ошириш чоғida буюртмачи ташкилотга ижро ҳуж-

жатларини, қурилиш материаллари ва ускуналарининг тегишли мувофиқлик сертификатларини ҳамда техник паспортларини тақдим этиши;

қурилиш жараёнида, шунингдек фойдаланишнинг кафолатли даврида муаллифлик ва техник назорат натижасида аниқланган камчиликларни ўз вактида бартараф этиши;

қурилишга оид таваккалчиликлар хавфини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириши, қурилиш даврида объектнинг қўриқланишини таъминлаши шарт.

Гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, консервациялаш ва тугатиш лойиҳаларини амалга ошириш чоғида пудрат ташкилотларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш

19-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга доир асосий талаблар

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга нисбатан қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашга доир норматив ҳужжатларга риоя этиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини декларациялаш;

хавфлийк даражаси юқори бўлган обьектлар жумласига кирувчи гидротехника иншоотларини лойиҳалашиборишига, қуришга ва улардан фойдаланишга доир фаолиятни лицензиялаш;

гидротехника иншоотларидан фойдаланишнинг узлуксизлиги;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан уларнинг хавфсизлик мезонларини белгилаш, гидротехника иншоотларининг ҳолатини назорат қилиш мақсадида уларни замонавий техник ускуналар билан жихозлаш, гидротехника иншоотларига зарур малакага эга бўлган ходимлар томонидан хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

гидротехника иншоотларида фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши хавфини энг кўп даражада камайтириш бўйича профилактика тадбирларини амалга ошириш;

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш;

махсус ваколатли давлат органининг ҳамда фойдаланувчи ташкилотларининг хавфсизликни таъминлашга доир кўрсатмалари гидротехника иншоотлари худудида жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши.

Гидротехника иншоотларини бир вақтнинг ўзида (мувозий) лойиҳалаштириш ва қуриш, реконструкция қилиш тақиқланади.

Гидротехника иншоотларини бир вақтнинг ўзида (мувозий) лойиҳалаштирилган ҳолда қуриш мудофаа қобилиятини ҳамда давлат хавфсизли-

гини, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирлар, табиий ва экологик оғатлар оқибатларини бартараф этиш, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолларда, шунингдек молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра амалга оширилиши мумкин.

20-модда. Гидротехника иншоотларидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш

Гидротехника иншоотларидаги лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

мавжуд вазиятлар ва муаммолар лойиҳада тўғри баҳолангандигини ўрганиш;

бажарилган лойиҳа-қидирув ишларининг сифати ва тўлиқлигини таҳлил қилиш;

геологик, гидрологик ва гидрогеологик маълумотларнинг сифатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

қабул қилинган лойиҳавий ечимнинг тўғрилигини, якуний ечимнинг илмий-техник жиҳатдан асослангандигини, юқори самарали машиналар ва механизmlар, замонавий қурилиш материаллари, технологиялари ҳамда ускуналари қўлланилганлигини таҳлил қилиш;

илфор хорижий тажрибадан фойдаланилганлигини ўрганиш;

гидротехника иншоотларининг хавфсиз ишлаши, шунингдек атроф-мухитга таъсирининг баҳолангандигини, муҳофаза зоналари ва соҳил бўйи минтақаларининг белгилангандигини таъминлаш.

Лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан таъминлашга таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва олимлар жалб этилиши мумкин.

21-модда. Гидротехника иншоотларининг давлат кадастри

Гидротехника иншоотларининг давлат кадастри Давлат кадастрларининг ягона тизимиға киради.

Гидротехника иншоотлари тўғрисидаги маълумотлар Гидротехника иншоотларининг давлат кадастрига киритилади.

Махсус ваколатли давлат органи назоратидаги гидротехника иншоотларининг давлат кадастри махсус ваколатли давлат органи томонидан, қолган барча гидротехника иншоотларининг давлат кадастри эса фойдаланувчи ташкилотлар томонидан юритилади.

Гидротехника иншоотларининг давлат кадастрини юритиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, шунингдек фойдаланувчи ташкилотлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Гидротехника иншоотларининг давлат кадастрини юритишда қўлланила-

диган шакллар махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибида тасдиқланади.

22-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияси

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларацияси:

гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, шунингдек консервациялаш, тугатиш даврида — фойдаланувчи ташкилотлар томонидан;

гидротехника иншоотларини фойдаланишга топширишда — буюртмачи ташкилотлар томонидан тузилади.

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларациясини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фойдаланувчи ташкилотлар ва буюртмачи ташкилотлар гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги декларациясини махсус ваколатли давлат органига давлат экспертизасини ўтказиш учун тақдим этади.

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларациясининг махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланиши гидротехника иншоотларини давлат кадастрига киритиш ҳамда уларни фойдаланишга топширишга ёки уларни фойдаланишдан чиқаришга, реконструкция қилишга, капитал таъмирлашга, тиклашга ёки консервациялашга рухсатнома олиш учун асос бўлади.

23-модда. Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларациясининг давлат экспертизаси

Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги декларациясининг давлат экспертизаси махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилади ва унинг ҳузурида ташкил этилган Экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланади.

Махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат экспертизаси хулосасига асосан гидротехника иншоотининг хавфсизлиги декларациясини тасдиқлаш тўғрисида, тегишли рухсатнома бериш ҳақида ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Фойдаланувчи ташкилотлар махсус ваколатли давлат органининг рухсатнома беришни рад этиш ҳақидаги қарори устидан суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

24-модда. Гидротехника иншоотларини текшириш

Фойдаланувчи ташкилотларнинг, лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, уларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ёки консервациялаш бўйича фаолияти гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши мақсадида ваколатли органлар томонидан текширилади.

Гидротехника иншоотларини текшириш чоғида фойдаланувчи ташкилотлар, лойиха ва пудрат ташкилотлари текширувчиларга барча зарур ҳужжатларни тақдим этиши, уларнинг гидротехника иншоотлари жойлашган худудга монеликсиз киришини таъминлаши шарт.

25-модда. Гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш

Гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари улардан шошилинч тарзда фойдаланиш мақсадида фойдаланувчи ташкилотлар томонидан олдиндан яратилади.

Гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари озиқ-овқат маҳсулотларининг, кийим-кечакларнинг, дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг, тиббий техниканинг, қурилиш материалларининг, нефть маҳсулотларининг, умумий ва якка ҳимояланиш воситаларининг, авариядан ҳимояланишга доир бошқа воситаларнинг маҳсус захираларини, шу жумладан моддий ресурсларни, шунингдек фавқулодда вазиятларни бартараф этиш чоғидаги кутилмаган харажатларнинг ўрнини қоплаш учун мўлжалланган маблағларни ўз ичига олади.

Гидротехника иншоотларидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари даҳлсиз ҳисобланади ҳамда моддий бойликларни ҳар йили инвентаризациядан ўтказиш чоғида нормадан ортиқча қолдик ҳисботга киритилмайди.

5-боб. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида фавқулодда вазият натижасида етказилган заарнинг ўрнини қоплаш

26-модда. Фойдаланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш

Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида фавқулодда вазият юзага келиши натижасида бошқа шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва (ёки) мол-мулкига, шунингдек атроф-муҳитга заарар етказилганлиги учун фойдаланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фойдаланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш тартиби ва Суғурта объектларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

27-модда. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида фавқулодда вазиятлар натижасида етказилган заарнинг ўрнини қоплаш

Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида фавқулодда вазиятлар натижасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган заарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта суммаси доирасида қопланади.

Трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган гидротехника иншоотларидағи фавқулодда вазиятлар натижасида етказилган заарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларида белгиланган тартибда қопланади.

Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида фавқулодда вазият натижасида етказилган заарнинг суғурта суммасидан ортигининг ўрнини қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

28-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашиш

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Трансчегаравий таъсир кўрсатадиган ёки трансчегаравий заар етказишга қодир бўлган трансчегаравий гидротехника иншоотларида фавқулодда вазият юзага келганлиги ёки юзага келиши мумкинлиги тўғрисида чет давлатларни ҳабардор қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномалариға мувофиқ ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

29-модда. Гидротехника иншоотларида фавқулодда вазият юзага келиши натижасида халқаро ёрдам кўрсатиш

Гидротехника иншоотларида фавқулодда вазият юзага келган ҳолларда унинг оқибатларини бартараф этиш, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида халқаро ёрдам бериш ва олиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномалариға мувофиқ амалга оширилади.

30-модда. Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар,

№ 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 76-модда:

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«76-модда. Сув хўжалиги объектлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш»;

иккинчи қисмининг диспозицияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув хўжалиги объектлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш»;

2) 245-модданинг биринчи қисмида «76-моддасида (сув хўжалиги иншоотларини шикастлантиришга оид қисмида)» деган сўзлар «76-моддасида (сув хўжалиги объектларини шикастлантириш ва гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ қисмида)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Кўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»**ги 826-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 223-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 827-I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 224-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 447-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 8-модда) **XXIII бўлими;**

4) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **26-моддаси;**

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **112-моддаси**.

**32-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини ҳамда
моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

33-модда. Конунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsin;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 26 ва 27-моддалари 2024 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 30 август,
ЎРҚ-865-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

391 Маъмурий ислоҳотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидағи муассасаларни қайта ташкил қилиш дастури 2-иловага** мувофиқ;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида янги тузилаётган муассасалар фаолиятини ташкил қилиш дастури 3-иловага** мувофиқ;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 4-иловага** мувофиқ;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ва туманлар бўлимлари Тошкент шаҳри ҳокимлиги бўйсунувидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) бўйсунувига ўтказилиб, Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ва туманлар бўлимларига айлантирилсин.

3. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат тизимини кучайтириш ва унинг қамровини кенгайтириш мақсадида:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) ва худудий инспекциялар фаолиятини амалдаги молиялаштириш манбалари сақлаб қолинсан, шунингдек, улар томонидан ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун айборд шахслардан ундириладиган жарималар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилсин;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 августда эълон қилинган.

** 2 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудий инспекцияларнинг ходимлари сони назоратга олинадиган объектларнинг сонига қараб белгилансин;

курилиш фаолияти субъектларининг (буюртмачи, лойихачи, пурдатчи бўйича) мажбурий тартибдаги назорат тадбирлари «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг «Курилишда давлат назорати» электрон платформасида амалга оширилсин;

курилиш объектларида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиха-смета хужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондидан ва ичимлик сувдан фойдаланиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш учун Инспекция масъул хисоблансан;

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатларига риоя этилиши устидан давлат архитектура назоратини амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсанки, худудий инспекциялар фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва уларга умумий раҳбарлик қилиш вертикал бошқарув тизими асосида Инспекция ва Вазирлик томонидан амалга оширилади.

Бунда, худудий инспекцияларнинг қонуний фаолиятига маҳаллий давлат хокимияти органлари ва бошқа тегишли ташкилот (идора)лар томонидан аралашиб ёки таъсир қатъяян тақиқланади.

5. Шаҳарсозлик соҳасидаги қўйидаги тоифа мутахассисларни уларнинг фаолият ўналишлари бўйича ҳар уч йилда бир марта сертификатлаш тизими жорий этилсан:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

loyixa бошқарувини ва техник назоратни, шу жумладан ўналишлар бўйича назоратни олиб борувчи мутахассислар;

loyixa ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб борувчи мутахассислар, шунингдек, лойixa бош муҳандислари ва бош архитекторлари;

пурдат ташкилотларининг ички назоратини амалга оширувчи мутахассислар;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

назорат ўлчовини амалга оширувчи мутахассислар;

эксперт ташкилотлари эксперталари;

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари раҳбарлари;

в) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб:

туман (шаҳар) ва вилоят архитекторлари;

курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш худудий инспекциялари инспекторлари.

Бунда, мутахассисларни сертификатлаш ишларини ташкил этиш бўйича ишчи орган функцияси Вазирлик хузурида ташкил этилаётган Компетенцияни ривожлантириш институтига юкланди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 6-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 7-илювага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 август,
ПФ-151-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 28 августдаги
ПФ-151-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
фаолиятининг устувор йўналишлари**

Куйидагилар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

- а) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этиш;
- б) ахоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиши ташкил этиш ҳамда уларга риоя этилиши юзасидан назоратни таъминлаш, шунингдек, шаҳарсозлик кадастрини юритиш;
- в) якка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган экспериментал лойиҳаларни ва энергия тежамкор лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиши ташкил этиш, шунингдек, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар фаолиятини лицензиялаш, шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертиза қилинишини таъминлаш;
- г) қурилиш бозорида товар ва хизматлар қийматини аниқлашнинг ҳамда давлат харидларини ташкил этишнинг шафдоф тизимини жорий этиш;
- д) қурилиш обьектларида назоратнинг амалга оширилишини таъминлаш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда сейсмик хавфсизлик талабларини кучайтириш;
- е) ичимлик, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимининг эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш, назоратни таъминлаш, тизимни тубдан ислоҳ қилиш ва соҳани раҳамлаштириш;
- ж) кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва самарали ишлашини ташкил этиш, кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланишда назоратни таъминлаш, шунингдек, авария ҳолатидаги ва маънан эскирган уйларни реновация қилиш ишларини мувофиқлаштириш;
- з) шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида кадрларни маҳаллий ва хорижий етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш, кайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва компетенциясини баҳолаш ишларини ташкил этиш ҳамда сертификатлаш жараёнларини мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 28 августдаги
ПФ-151-сон Фармонига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим хужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2595-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 майдаги «Капитал қурилишда лойиха ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5445-сон Фармони 1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПК-3646-сон қарори)»ги ПФ-5483-сон Фармонига 1-илованинг 1 ва 11-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Кишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 2-иловаси 4-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5883-сон Фармонига 2-илованинг 5-банди ва 6-бандининг «а», «в» ва «г» кичик бандлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 марта даги «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5963-сон Фармонининг 7-банди ҳамда фармонга 3-илова ва 4-илованинг 3-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6074-сон Фармонига 7-илованинг 4 ва 5-бандлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон Фармонига 3-илованинг 7, 8, 10, 17, 20 ва 23-позициялари.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-36-сон Фармонига илованинг 13-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги «Тадбиркорлик мухитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида»ги ПФ-101-сон Фармонига 1-илованинг 5-позицияси.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги «Маъмурий ислоҳотлар доирасида ракамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-76-сон Фармонига 5-илованинг 28-позицияси.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-847-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1049-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 марта «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2137-сон қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2899-сон қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2900-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 1, 1а, 2, 3 — 5, 5а, 6, ба-иловалар.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 апрелдаги «Муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун ер участкаларини ажратиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-204-сон қарорига 1-илованинг 20-позицияси.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 марта «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-102-сон қарорига 1-илованинг 293, 294, 296, 380 — 384, 386 — 406 ва 640-позициялари.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 майдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-158-сон қарорига 1-илованинг 2 ва 16-позициялари.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

392 Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чо-ра-тадбирлари тўғрисида*

Капитал бозорини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини тако-миллаштириш, инвесторларни капитал бозорига жалб этишини рафбатлантириш, чет эл инвесторлари учун маҳаллий фонд бозорида қатнашиш тартибини соддалаштириш ва инвесторларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Иктисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг:

«Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» давлат унитар корхонасини «Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамиятига ўзгартириш;

«Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти устав капиталидаги давлат акциялари пакетини Марказий банкка беғараз ўтказиш;

«Ўзбекистон республика валюта биржаси» акциядорлик жамияти таъсисчилигига «Миллий клиринг маркази» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсан.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

«Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» АЖнинг қимматли қофозларни хисобга қўйиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва сақлаш ҳамда қимматли қофозлардаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолияти қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан, қимматли қофозларга доир битимлар натижалари бўйича пулдаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолияти Марказий банк томонидан тартибга солинади;

2025 йил 1 январдан бошлаб давлат ва корпоратив қимматли қофозларнинг ягона ҳисоби «Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» АЖда юритилади;

«Миллий клиринг маркази» АЖнинг марказлашган клирингни амалга ошириш (Clearinghouse) ва «Марказий контрагент» сифатидаги фаолияти Марказий банк томонидан тартибга солинади;

2024 йил 1 майга қадар «Миллий клиринг маркази» АЖ ва «Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» АЖга ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Марказий банкда вакиллик ҳисобварафи очилади;

2028 йил 31 декабрга қадар «Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» АЖ, «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ ва «Тошкент» республика фонд биржаси» АЖ маблағларни мақсадли равишда уларни ривожлантиришга йўналтирган ҳолда дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашдан озод қилинади.

3. Капитал бозори соҳасида «Тартибга солиш қумдони» маҳсус хуқуқий режими жорий қилинсин ва унинг доирасида:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 сентябрда эълон қилинган.

капитал бозорида қўлланадиган асосий тушунчалар 1-иловага мувофиқ;
капитал бозорида чет эллик иштирокчиларнинг фаолияти ва операцияларига доир алоҳида қоидалар 2-иловага мувофиқ;

қимматли қофозлар эгалари тўғрисидаги ахборотлар махфийлигини таъминлаш ва уларнинг мулкий хуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

фуқароларга жамғарив бориладиган ихтиёрий пенсия бадалларини маҳаллий фонд бозоридаги қимматли қофозларни сотиб олишга йўналтириш хуқуқини тақдим этиш. Бунда, қимматли қофозларнинг олди-сотдисидан олинадиган ва дивиденд (фоиз) шаклидаги қўшимча даромадлар фуқаролар томонидан пенсия ёшига етгунга қадар ҳам мустақил тасарруф этилиши мумкин;

акциялар оммавий жойлаштирилганда корхоналар ходимлари корхона томонидан жорий қилинган ўз ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режаси (ESOP) доирасида уларга ушбу акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли хуқуқни тақдим этиш. Бунда, уларнинг акцияларни сотиб олишга йўналтирадиган ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларидан ошмайдиган маблағлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги «Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-90-сон қарори 1-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддатини 2028 йил 31 декабрга қадар узайтириш;

солик тўловчининг солик давомида жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг юз бараваригача бўлган миқдордаги иш ҳақи ва бошқа даромадларидан маҳаллий фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қофозларни сотиб олиш учун шахсий инвестиция ҳисобварагига йўналтириладиган даромадларини уларни ўн икки ой ичida қайтариб олмаслик шарти билан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилиш.

5. Миноритар акциядорлар ва инвесторлар хуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни капитал бозорига жалб этишни рафбатлантириш мақсадида:

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб:

давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналарнинг акциялари фонд бозорида оммавий таклиф қилиш орқали жойлаштирилгандан сўнг камида етти йил давомида мазкур корхоналар соф фойдасининг камида 30 фоизи дивиденд тўлашга йўналтирилсин, бундан қонун хужжатларида белгиланган чекловлар мустасно;

давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналарга хизмат кўрсатувчи андеррайтерларнинг хизмат ҳақи қимматли қофозлар режалаштирилганга нисбатан қимматроқ ва (ёки) кўпроқ жойлаштирилганлиги натижасида шартномада келишилган миқдордан ошган ҳолларда, шартнома бошланғич

нархини 10 фоиздан ортиққа оширмаслик тұғрисидаги чеклов бекор қилинсін;

б) 2023 йил 1 декабрдан бошлаб ваколатли давлат органига қимматли қофозлар бозори тұғрисидаги қонунчилік хужжатлари билан белгиланған ахборот ва ҳисоботлар бир йил ичіда иккі ва ундан ортиқ марта ўз вактида ошкор этилмаганлығы учун әмитеттің іжроия органини ўзgartыриш тұғрисидаги масаланы күриш тұғрисида күрсатма киритиш ва әмитеттің қимматли қофозлар чиқарылышини тұхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилсін.

6. Қимматли қофозлари фонд биржаси листингига киритилмаган акция-дорлик жамиятларининг расмий веб-сайты бўлиши хақидаги мажбурий талаб бекор қилинсін, бундан давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган акция-дорлик жамиятлари мустасно.

7. «Давлат мулкини бошқариш тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан бир вақтнинг ўзида ҳам мулкдорнинг, ҳам тартибга солувчининг вазифаларини бажарышга йўл қўйилмаслиги маълумот учун қабул қилинсін.

8. Истиқболли лойихалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг капитал бозорини, шу жумладан қимматли қофозлар савдосининг ташкилотчилари ва Қимматли қофозлар марказий депозитарийси фаолиятини тартибга солиш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, шунингдек, суурита ташкилотлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш бўйича вазифа, функция ва ваколатларини Агентликка ўтказиш ва уни ушбу соҳаларда тартибга солиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш бўйича ваколатли орган этиб белгилаш;

«Фонд бозорининг ахборот ресурс маркази» давлат унитар корхонаси ва Корпоратив ахборот ягона порталини Агентликка беғараз ўтказиш тұғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

9. Белгилансинки:

Агентлик Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг капитал бозори соҳасига оид шартномалари бўйича ҳуқукий вориси ҳисобланади;

капитал бозори соҳасида аввал берилган лицензия ва бошқа рухсат этувчи хужжатлар ўз кучини сақлаб қолади, мазкур қарор қабул қилингандылыгы уларни бекор қилиш ёки ўзgartыришга олиб келмайди;

капитал бозори соҳасидаги Иқтисодиёт ва молия вазирлигига кўриш чиқиши жараёнида бўлган хужжатлар (тегишли фаолиятни лицензиялаш, қимматли қофозлар чиқарышни рўйхатга олиш, мурожаатлар ва бошқа хужжатлар) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Агентликка ўтказилади ва кўриш чиқиши натижалари Агентлик томонидан расмийлаштирилади;

фонд биржаси фаолияти, қимматли қофозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси фаолияти ва қимматли қофозлар бозоридаги профессионал фаолиятни лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш ҳамда капитал бозори соҳасида «Тартибга солиш қумдони» маҳсус ҳуқукий режимини тақдим этиш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

10. 2023 — 2025 йилларда капитал бозорини ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-ило-вага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда: суғурта бозорини янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига ки-ритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-сининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 2 сентябрь,
ПҚ-291-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги
ПҚ-291-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Тартибга солиш қумдони» маҳсус ҳуқуқий режими
доирасида капитал бозорида қўлланадиган
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

1. Тан олинган хорижий юрисдикция — Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тан олинган хорижий юрисдикция.

2. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича хорижий ваколатли давлат органи — тан олинган хорижий юрисдикциянинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи.

3. Чет эллик мижоз — қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича хорижий ваколатли давлат органи томонидан берилган рухсатнома асосида мижозларга Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясидан ташкарида хизмат кўрсатувчи чет эллик номинал сақловчининг мижози (жисмоний ёки юридик шахс, шу жумладан бошқа чет эллик номинал сақловчи).

4. Чет эллик инвестиция воситачиси — Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Конунида белгиланган инвестиция воситачисининг профессионал фаолияти билан тенглаштириладиган тан олинган хорижий юрисдикциянинг қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган инвестиция компанияси (инвестиция ёки депозитар банк, брокер ёки инвестиция воситачиси), глобал кастодиан, кастодиан, банк ёки бошқа юридик шахс.

5. Чет эллик бенефициар мулкдор — Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳисобида ёки «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ (кейинги ўринларда — «ЎзРВБ» АЖ) депозитарий тизимида қимматли қоғозларнинг эгаси сифатида рўйхатга олинган ёки рўйхатга олинмаган, бироқ қимматли қоғозларга тўғридан-тўғри ёки билвосита эгалик қилиш ёки улардан фойда олиш ҳуқуқига эга бўлган ва чет эллик номинал сақловчи ҳисобида қимматли қоғозларнинг якуний эгаси ҳисобланган жисмоний ёки юридик шахс.

6. Чет эллик номинал сақловчи — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан маслаҳатлашувлар натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тан олинган чет эллик инвестиция воситачиси, хорижий ёки халқаро қимматли қоғозлар марказий депозитарийси бўлиб, профессионал фаолиятни амалга ошириш учун жумладан қўйидаги ваколатларга эга бўлади:

ўзининг чет эллик мижозлари (чет эллик бенефициар мулкдорлар ёки бошқа чет эллик номинал сақловчилар) номидан ва уларнинг топшириғига кўра ҳаракат қилиш;

қимматли қоғозлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, агар улар хорижий ёки халқаро қимматли қоғозлар марказий депозитарийси бўлса;

қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича хорижий ваколатли давлат органи томонидан тартибга солинадиган чет эл биржаларидағи савдолар натижасига кўра хорижий ёки халқаро қимматли қофозлар марказий депозитарийси ҳисоб-китоблари асосида ўзининг чет эллик мижозлари учун қимматли қофозлар ва пул маблағлари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

ўзининг чет эллик мижозлари топшириғига кўра ёки улар номидан қимматли қофозларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш, сақлаш ва (ёки) тасдиқлаш.

7. Хорижий номинал ҳисобварақ — чет эллик номинал сақловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қимматли қофозлар марказий депозитарийсида ёки «ЎзРВБ» АЖ депозитарий тизимида бевосита битта чет эллик бенефициар мулкдор номига тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобварақ ёки омнибус ҳисобварақ шаклида очиладиган депо ҳисобварагининг тури.

8. Тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобварақ — чет эллик номинал сақловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қимматли қофозлар марказий депозитарийсида ёки «ЎзРВБ» АЖ депозитарий тизимида бевосита чет эллик бенефициар мулкдор номидан ва унинг номига очилган депо ҳисобварафи.

9. Омнибус ҳисобварақ — чет эллик номинал сақловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қимматли қофозлар марказий депозитарийсида ёки «ЎзРВБ» АЖ депозитарий тизимида очилган ва барча чет эллик бенефициар мулкдорлар ва/ёки чет эллик номинал сақловчиларга тегишли қимматли қофозларнинг сони ва қиймати жамланган ҳолда ҳисобга олинадиган хорижий номинал ҳисобварақ тури.

Изоҳ:

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги асосий тушунчаларга ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

«ЎзРВБ» АЖ депозитарий тизимида депо ҳисобварақлар очиши ягона депозитар тизим ийлга қўйилгунга қадар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги
ПҚ-291-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Тартибга солиш қумдони» маҳсус ҳуқуқий режими
доирасида капитал бозорида чет эллик иштирокчиларнинг
фаолияти ва операцияларига доир
АЛОХИДА ҚОИДАЛАР**

1. Тан олинган хорижий юрисдикциялар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади ва у томонидан мазкур рўйхатга ўзгаришилар киритилиши мумкин.

2. Чет эллик инвестиция воситачилари Ўзбекистон Республикаси қимматли қофозлар бозорида инвестиция воситачиси фаолиятини амалга ошириши ва депо ҳисобварағини очиши мумкин.

3. Чет эллик номинал сақловчилар қимматли қофозлар бўйича ҳисобвараклар очиши ва Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини тўғридан-тўғри ёки агент орқали амалга ошириши мумкин.

4. Чет эллик номинал сақловчилар, жумладан кастодиан банкларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида хорижий ва миллий валютада ҳисобвараклар очишига, шунингдек, Қимматли қофозлар марказий депозитарийсида ва «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ (кейинги ўринларда — «ЎзРВБ» АЖ) депозитарий тизимида депо ҳисобвараклари очишига рухсат берилади.

5. Уюшган савдоларда қимматли қофозларни сотувчи (сотиб олувчи) норезидент юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида миллий валютада ҳисобвараклар очишига рухсат берилади.

6. Корпоратив облигацияларнинг чиқарилиши ва муомаласи ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда облигацияларнинг қийматини чет эл валютасида белгилаш ва мазкур валютада тўлашга рухсат берилади.

7. Чет эллик номинал сақловчилар ўзларининг Ўзбекистон Республикасида очилган ҳисобваракларидаги ҳисобга олинган қимматли қофозлар ёки пул маблағларининг бенефициар мулқдори ҳисобланмайди.

Қимматли қофозларнинг хорижий номинал ҳисобварагидан (ёки хорижий номинал ҳисобварағига) бенефициар мулқдор ўзгармаган холда «қимматли қофозларни тўловсиз етказиб бериш» (Free of Payment transfer of securities) орқали ўтказилиши ушбу қимматли қофозларни реализация қилиш (сотиш) ҳисобланмайди ва томонларнинг ҳеч бири, шу жумладан чет эллик номинал сақловчи учун солиқ мажбуриятини келтириб чиқармайди.

8. Чет эллик номинал сақловчилар Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини алоҳида лицензия олмасдан, филиал ёки янги юридик шахс ташкил этмасдан ёхуд маҳаллий юридик шахснинг устав капиталида иштирок этмасдан ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширади.

9. Чет эллик инвестиция воситачиларининг ходимларига тан олинган хорижий юрисдикцияларда берилган қимматли қофозлар билан ишлаш имконини берувчи малака сертификатлари мазкур ходимларга Ўзбекистон Республикасининг қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ алоҳида қимматли қофозлар бозори мутахассисининг малака аттестатини олмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасида қимматли қофозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини беради.

10. «ЎзРВБ» АЖ ўзининг депозитарий тизимида давлат қимматли қофозларини сақлаш ва ҳисобга олиш ҳамда чет эллик номинал сақловчиларга бошқа депозитарий хизматлар кўрсатиш учун чет эллик номинал сақловчилар депо ҳисобварақларини юритиш ҳуқуқига эга.

Изоҳ: «ЎзРВБ» АЖ депозитарий тизимида депо ҳисобварақлар очиши ягона депозитар тизим йўлга қўйилгунга қадар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги
ПҚ-291-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Кимматли қоғозлар эгалари тўғрисидаги ахборотлар
маҳфийлигини таъминлаш ва уларнинг мулкий
хуқуқларини ҳимоя қилиш
МЕХАНИЗМЛАРИ**

1. Қўйидаги мажбуриятлар бўйича хатлов, мусодара қилиш, ундирувга қаратиш, тўхтатиб қўйиш (музлатиб қўйиш) ёки бошқа шаклда мажбурий ундиришга йўл қўйилмайди:

а) чет эллик номинал сақловчиларнинг мулки бўлмаган ва хорижий номинал ҳисобваракларда (тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобвараклар ва омнибус ҳисобваракларида) сақланадиган қимматли қоғозларга нисбатан;

б) чет эллик номинал сақловчилар мижозларининг омнибус ҳисобваракларида сақланадиган қимматли қоғозларига нисбатан, бундан аниқ шахсга тегишли эканлигини идентификация қилиш мумкин бўлган ва бевосита шу шахс номига очилган тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобваракка ўтказилган қимматли қоғозлар мустасно.

2. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси чет эллик номинал сақловчидан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида очилган омнибус ҳисобварагида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг хорижий бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ошкор қилишни талаб қилишга ҳақли. Бунда:

а) агар омнибус ҳисобварагидаги қимматли қоғозлар аниқ бир бенефициарга тегишли эканлигини аниқлаш мумкин бўлса, ушбу қимматли қоғозлар суд қарори асосида чет эллик номинал сақловчи томонидан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидаги кўрсатилган бенефициар мулкдор номига очилган тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобваракка ўтказилиши ва ундирувга қаратилиши мумкин;

б) агар омнибус ҳисобварагида сақланаётган қимматли қоғозларнинг аниқ бенефициар мулкдорини аниқлашнинг имкони бўлмаса, ҳар бир чет эллик номинал сақловчи қимматли қоғозларнинг бенефициар мулкдори аниқланмагунга қадар қимматли қоғозларга эгалик қилиш вертикал занжирри бўйлаб сўров юборилиши таъминланиши шарт.

3. Чет эллик номинал сақловчининг омнибус ҳисобварагидаги қимматли қоғозларга бўлган эгалик ва бошқа хуқуқлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан тақдим этилган депо ҳисобварагидан йиғма кўчирма билан тасдиқланади.

4. Қимматли қоғозлар эгалари тўғрисидаги маълумотлар чет эллик номинал сақловчилар томонидан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига:

а) қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини шакллантириш учун;

б) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг, монополияга қарши курашиш органининг, солик органларининг,

судларнинг, тергов ва суриштирув органларининг сўровига кўра, Қимматли қофозлар марказий депозитарийсига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича юборилган ҳолларда ва тартибда тақдим этилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Қимматли қофозлар марказий депозитарийсида омнибус ҳисобварафига эга бўлган чет эллик номинал сақловчилар қимматли қофозларни сақлаш занжиридаги бошқа чет эллик номинал сақловчилари томонидан қимматли қофозларнинг чет эллик бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ва ўз вақтида тақдим этилмагани учун жавобгар бўлмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги
ПҚ-291-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартеришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5073-сон қарорида:

а) 2-баннда:

биринчи хатбошидаги «Молия вазирлигига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидан «, шунингдек, лотереяларни ташкил этиш фаолиятини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 3 ва 4-бандлар ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансин;

в) 5-баннда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. 2023 йил 15 сентябрдан бошлаб қўйидаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига йўналтирилсин»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча олтинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги «Капитал бозорини қўллаб-куватлашнинг самарали механизmlарини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-90-сон қарорида:

а) 1-банднинг биринчи хатбошидаги «2024 йил 31 декабрга» сўзлари «2028 йил 31 декабрга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги 2025 йил 1 февралга қадар эксперимент натижаларини чукур таҳлил қилган ҳолда, уни қимматли қофозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган барча иштирокчиларга татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф киритсин.»

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги «Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-415-сон қарорида:

а) 7-банднинг биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

7 ва 11-позициялар чиқариб ташлансин;

10 ва 12-позицияларнинг «Ижро муддати» устуnidаги «2023 йил декабрь» сўзлари «2025 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG'I

